

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАФИҚОВ ВАҲОБ АСОМОВИЧ**

**ГЕОСИСТЕМА ДЕСТРУКЦИЯ ВА ДЕГРАДАЦИЯСИНИНГ  
ЧЕГАРАЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ**

**11.00.01 - Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

Рафиқов Ваҳоб Асомович Геосистема деструкция ва деградациясининг чегаралари ва хусусиятлари ҳамда қайта тикланиши .....	3
Рафиқов Ваҳоб Асомович Особенности и пределы деструкции, деградации и воссоздания геосистем .....	27
Rafikov Vakhab Asamovich Peculiarities and limits of destruction, degradation and of recovery of geosystems .....	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ Last of published works .....	56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАФИҚОВ ВАҲОБ АСОМОВИЧ**

**ГЕОСИСТЕМА ДЕСТРУКЦИЯ ВА ДЕГРАДАЦИЯСИНИНГ  
ЧЕГАРАЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ**

**11.00.01 - Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/G16 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (nauka.nuu.uz) ва «Ziyo.net» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Якубов Мурат Адилевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдулкасимов Али**  
география фанлари доктори, профессор

**Нигматов Асқар Нигматуллаевич**  
география фанлари доктори, профессор

**Хикматов Фазлиддин Хикматович**  
география фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.G.01.06. рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.

(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Н.И.Сабитова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
г.ф.д., профессор

**Ш.М.Шарипов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н.

**А.А.Каюмов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
г.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда жаҳонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари ҳамда табиатдан оқилона фойдаланиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотиغا кўра, ҳозирда авж олаётган антропоген деградация Ернинг 60 фоиз геотизимларига хавф солмоқда, 20 фоизи эса деградацияга учраб бўлган. “Глобаллашув шароитларида табиий ва унга яқин геотизимларнинг етарли миқдорлари (90 фоизгача) сақлаб қолинсагина табиат билан инсон биргаликда барқарор мавжуд бўла олади. Айнан табиий геотизимлар, улар майдонининг 40 фоизини ташкил этадиган антропоген бузилган ҳудудларнинг тарқалиши ва функционал номувозанатлишуви ўрнини тўлдириб туради”.<sup>1</sup>

Бугунги кунда жаҳон миқёсида долзарб йўналишларидан бири замонавий жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро алоқаларни муқобиллаштиришдан иборатдир. Инсоннинг яшаши учун атроф-муҳитда муқобил ҳолатни таъминлаб бериш учун табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқаси қонуниятларида пайдо бўлаётган салбий ҳолатлар билан тизимли курашишга, табиий бойликлардан унумли фойдаланишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, табиат ва жамият муносабатларини муқобиллаштириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан меъёрида фойдаланиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чоратadbирлар асосида кейинги йилларда мамлакат ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича, Орол ва Оролбўйи экологик инқирози ҳамда геотизимлар ҳолатининг ёмонлашувини камайтириш бўйича муайян натижаларга эришишга муваффақ бўлинди. Шу билан бирга, Оролбўйи ҳудудидаги чўллашиш жараёнларининг кучайиб бориши олдини олиш, ҳавзадаги сувдан оқилона фойдаланиш йўли билан Орол суви сатҳини муайян даражада сақлаб қолиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурияти туғилмоқда. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>2</sup>да «Аҳоли ҳаёт-фаолияти ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга Орол денгизининг қуриши ва глобал иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича тизимли чоратadbирларни қабул қилиш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларига доир мақсадли илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши, сув ҳавзасининг қуриб бориши ва атроф-ҳудуднинг чўллашиши билан боғлиқ равишда минтақа табиат комплексларидаги ўзгаришларга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> <http://www.un.org/ru/index.html>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 й. ПҚ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 255-сон «2015-2018 йилларда Орол инқирозини юмшитиш ва Оролбўйи худудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чоратadbирлар комплекс дастури тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сонли «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**<sup>33</sup>. Табиат комплексларининг ўзгариши таҳлилига, худудларнинг чўллашиши ва чўл зоналарида ерлардан турғун фойдаланишга йўналтирилган илмий изланишлар ҳамда атроф-муҳит мониторинги жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Institute of Geography (Буюк Британия), Oxford University (Буюк Британия), West Michigan University (АҚШ), Salzburg University (Германия), РФА Сув муаммолари институти (Россия), РФА География институти (Россия), Чўл, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси миллий институти (Туркменистон) ҳамда Тошкент Ирригация ва мелиорация институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари институтида олиб борилмоқда.

Геотизимлар деградацияси ва деструкциясига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: табиат комплексларига бўладиган табиий ва антропоген таъсирларни мониторинг қилиш усуллари ишлаб чиқилган (Institute of Geography, Буюк Британия); арид зоналарда сув ресурсларини бошқаришнинг механизмлари ишлаб чиқилган (Oxford University, Буюк Британия); арид зоналарида гидрологик жараёнларни бошқариш механизмлари ишлаб чиқилган (West Michigan University, АҚШ); табиий муҳит ўзгаришини прогноз қилиш алгоритмлари ишлаб чиқилган (Salzburg University, Германия); атроф-муҳитда кечадиган экогидрологик жараён белгилари аниқланган (РФА География институти, Россия); глобал антропоген иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларини бошқариш механизмлари ишлаб чиқилган (РФА Сув муаммолари институти, Россия); арид зоналар чегарасида чўллашиш жараёнларининг ривожланиш динамикаси аниқланган (Чўл, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси миллий институти, Туркменистон), трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришнинг стратегиялари ишлаб чиқилган (Тошкент Ирригация ва мелиорация институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари институти).

<sup>33</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ined.fr>, <https://www.unl.edu>, <https://eh.net/encyclopedia/article> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда табиат комплексларини ўзгариб боришини баҳолаш ва прогноз қилиш борасида қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: чўллашаётган геотизимлар трансформацияси жараёнларини янги прогнозлаш мезонларини аниқлаш; чўлланишни прогноз қилишнинг муқобил усулларини тузиш; чўлланиш хавфини прогноз қилиш бўйича эксперт тизимларни ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Орол денгизи сатҳи пасайишининг атроф-муҳитга таъсирини кўплаб чет эллик (Ф.Пирс, Л.Перейра, М.Гланц, В.Вайсман, Р.Фергюсон, Ю.Шуттер, Ж.Ниуль, Т.Сайко, С.Брук, Д.Кайзер, Д.Катшера, И.Кобори)<sup>4</sup> ва МДХ мамлакатлари (Л.С.Берг, В.В.Бартольд, А.И.Воейков, А.С.Кесь, Б.Д.Зайков, В.П.Зенкович, М.М.Рогов,<sup>5</sup> Л.К.Блинов, И.П.Герасимов, В.И.Кравцова, В.Г.Воропаев ва бошқалар)<sup>5</sup> олимлар томонидан илмий тадқиқотлар ўтказган.

Орол денгизи ва Оролбўйи табиат комплексларининг ўзгариш хусусиятлари турли йилларда А.А.Рафиқов, И.В.Рубанов, М.Ш.Эшонкулов, В.А.Духовний, Л.З.Шерфединов, В.Е.Чуб, Ф.Х.Хикматов, Н.Ф.Глазовский, Н.И.Сабитова, С.Б.Аббосов, А.Н.Ниғматов, Л.А.Алибеков, Н.М.Решеткина, А.Абдулкасимов, М.А.Якубов, Э.И.Чембарисов, Б.А.Бахритдинов, А.К.Ўразбоев ва бошқалар томонидан ўрганилган<sup>6</sup>.

Ушбу тадқиқотчиларнинг ишларида Орол денгизи ва Оролбўйи минтақаси геотизимларининг тадрижий ўзгариши аниқланган, арид геотизимларнинг антропоген ўзгаришининг географик прогнозлари ишлаб чиқилган, Орол денгизи атрофидаги ландшафтларнинг тадрижий ўзгариши аниқланган, Амударё дельтаси ландшафтларининг морфологик тузилмаси ишлаб чиқилган, Орол денгизи билан боғлиқ дельта арид геотизимларидаги ўзгариш турлари тадқиқ қилинган, денгизнинг қуриши билан боғлиқ геозкологик, гидрологик, гидрокимёвий жараёнлар аниқланган ва уларни прогноз қилишдаги аҳамияти баҳоланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Сейсмология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А7-Т136 «Амударё дельтасининг чўллашиб бораётган қисми ва Орол денгизининг қуриган туби табиий муҳитини оптималлаштиришни экологик-географик бошқариш технологияларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йиллар); А7-ФА-0-10661 «Жанубий Оролбўйида чўллашиш жараёнларига қарши курашиш технологияларини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йиллар); ФА-А7-Т041 «Ўзбекистон арид зонаси чўллашиш харитасини тузиш ва мамлакат экологик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чўллашишнинг олдини олиш чора-тадбирлари» (2015-2017 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

---

<sup>4</sup> Гланц М.Г. Современные экологические проблемы и устойчивое развитие в бассейне Аральского моря. - CambridgeUniversityPress, UK. 1999. С.291.

<sup>5</sup> Зонн И.С., Гланц М.Г. Аральская энциклопедия. – М.: «Международные отношения», 2008. С. 252.

<sup>6</sup> Гадов К., Бердиева С. Ўзбек география фани фидойилари. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 2015. 228 б.

**Тадқиқотнинг мақсади** антропоген геотизимлар деструкцияси ва деградацияси хусусиятларини аниқлаш ва асослаш, қайта тиклаш меъёрларини баҳолаш ҳамда Оролбўйи ва Орол денгизи фаолияти режимини бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дельта ва арид геотизимлар деструкцияси ва деградацияси хусусиятлари, улар регрессияси чегараларини аниқлаш;

қолдиқ сув ҳавзалари деструкцияси ва деградацияси хусусиятлари ва меъёрларини аниқлаш;

дельта ва қуриган геотизимларни қайта тиклаш истиқболларини баҳолаш;

қолдиқ сув ҳавзаларини сақлаб қолиш истиқболларини баҳолаш;

тикланадиган геотизимларни бошқариш тартибини ишлаб чиқиш;

бузилган геотизимларни қайта тиклаш, ижтимоий-иқтисодий зарарларни камайтириш ва Орол инқироzi оқибатларини бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Орол денгизининг қуриган туби ва Амударёнинг Оролбўйи дельтасидаги табиат комплекслари, гидрологик ва гидрогеологик шароитлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Амударё дельтаси ва қуриган Орол денгизи туби геотизимлари деструкцияси ва деградациясининг кечиш омиллари ва хусусиятлари ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда картографик, табиий аналоглар, ландшафт-индикацион, масофадан туриб (дистанцион), районлаштириш, қиёсий тузилмавий-динамик, математик моделлаштириш усуллари қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Амударё қуйи оқими ва денгизнинг қуриган қисми геотизимлари ўзгариш динамикасини изобаталар асосидаги илмий прогнозлари ишлаб чиқилган;

Орол денгизининг қуриган қисми ва Амударё дельтаси текслиги тупроқ қатламларида туз йиғилишининг турлари ва хусусиятлари аниқланган;

табиий мелиоратив мажмуаларининг литологик-геоморфологик тузилиши билан боғлиқ гидрологик ва гидрохимёвий кўрсаткичлари аниқланган;

маҳаллий арид зоналар табиий шароитларини ҳисобга олувчи, чўлланиш разрядлари, тезлиги, ички ва умумий чўлланишнинг майдон, миқдор ва мезон кўрсаткичларини аниқлаш имконига эга чўлланиш хавфини хариталаштириш такомиллаштирилган;

табиий, антропоген ва техноген омиллар таъсирида арид геотизимлар деструкция ва деградациясининг локал ландшафт-индикация жараёнларини аниқлаш имконига эга, келажакда кутилаётган чўлланиш зоналарини аниқлаш услуби такомиллаштирилган;

Орол денгизининг қуриган қисмда ўрмонзорларни тезкор табиий алмашинув-кўпайиш жараёнига имкон берувчи ва минтақадаги экологик



инқирозни кескин камайтириш хусусиятига эга, қисқа муддатда тор, энсиз ва кенг қатор майдонларда ўрмонзорлар ҳамда чорва-озуқабоп яйловзорларни яратиш усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Амударё дельтаси табиий шароити ва ресурслари геоэкологик параметрлари бўйича яқин йилларда чўлланиш фаоллик эҳтимоли бўлган ҳудудлар харитаси тузилган;

Суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида Амударё дельтаси геотизимларини комплекс баҳолашнинг математик модели ишлаб чиқилган;

Жанубий Оролбўйида чўлланиш жараёнларига қарши кураш бўйича табиий, антропоген ва техноген оқибатларни юмшатиш ва хавфни камайтириш бўйича геоэкологик бошқарув конструктив усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги бир томондан таҳлил қилинаётган табиий географик, гидрологик, гидрохимёвий маълумотларни тўғри танлаш, иккинчи томондан ахборотларни қайта ишлашнинг замонавий статистик усулларида фойдаланиш, ГИС-технологияларини, миқдорий усуллар ва компьютер дастурларидан қўллаш, олинган натижаларни усумий назарий тушунчалар ва бошқа тадқиқотчиларнинг натижаларига мослиги билан аниқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирда ва яқин келажакда Орол денгизининг геоэкологик параметрлари аниқланганлиги, унинг кечиши тартиби ва кўламлари белгиланганлиги Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудидаги бузилган геотизимларни тиклаш даражаларини аниқлаштирилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган услубий ёндошувлар Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудудида чўлланишнинг чўлланиш разрядлари, тезлиги, ички ва умумий чўлланишнинг майдон, миқдор ва мезон кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради, бу эса чўлланишни келтириб чиқарувчи омилларни камайтириш ҳамда уларни олдини олувчи қатор конструктив чора тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оролбўйи ва Орол денгизи қуриган туби геотизимларини қайта тиклаш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Орол денгизининг қуриган қисмда ўрмонзорларни тезкор табиий алмашинув-кўпайиш жараёнининг такомиллаштирилган услуби Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитасининг 2017 йил 10 октябрдаги 3/2-4711-сон маълумотномаси). Натижада Оролбўйи ҳудудида ўрмонзорлар майдонининг кенгайишига ҳамда геоэкологик инқирознинг камайиш имконини берган;

Орол денгизи ва Оролбўйи минтақасидаги экологик инқирозни кескин камайтириш хусусиятига эга, қисқа муддатда тор, энсиз ва кенг қатор майдонларда ўрмонзорлар ҳамда чорва-озуқабоп яйловзорлар яратишнинг

такомиллаштирилган услуubi Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитасининг 2017 йил 10 октябрдаги 3/2-4711-сон маълумотномаси). Натижада Оролбўйи ва Орол денгизининг қуриган қисмда ўрмонзорларни тезкор табиий алмашинув-қўпайиш жараёнининг имконини берган;

Амударё дельтаси ва Оролбўйида чўллашиш хавфини хариталаштиришнинг такомиллаштирилган услуubi Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитасига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитасининг 2017 йил 9 февралдаги 01/78-сон маълумотномаси). Натижада минтақадаги чўллашишга қарши курашиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва геоэкологик вазиятни камайтириш имконини берган;

яқин йиллар ичида кутилаётган чўллашиш зоналарини аниқлашнинг такомиллаштирилган услуubi Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитасига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитасининг 2017 йил 9 февралдаги 01/78-сон маълумотномаси). Натижада экологик ҳолатнинг ўзгаришини географик прогнозлаш ҳамда режали ва доимий экологик мониторинг олиб бориш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 22 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 62 та илмий иши чоп этилган, шулардан 8 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 34 та мақола, жумладан, 29 таси республика ва 5 таси хорижий журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Геотизимлар деструкциясининг замонавий илмий тавсифи ва уни прогнозлаштириш зарурияти**” деб номланган биринчи бобида геотизимлар деструкциясининг назарий ва услубий масалалари таҳлил этилган, деструкциянинг модел ва омиллари такомиллаштирилган, уларнинг оқибатларини камайтириш бўйича услубий жиҳатлар, муаммонинг илмий аҳамияти ва ҳозирги замон Орол инқироzi босқичларининг ижтимоий-экологик хусусиятлари очиб берилган.

Бажарилган тадқиқотнинг бош тамойили табиий географиянинг барча объектлари доим ривожланишда ва яхлит бир тизим сифатида қараладиган парадигма асосида асосланган. Мазкур муаммоларни ўрганиш аввалида «геом», «геотизим», «ландшафт» ва «табиий-географик жараён» тушунчалари изоҳлари аниқлаштирилган. Бунда С.В.Колесник (1970), Д.Л.Арманд (1966, 1975), Я.Демек (1977) ва бошқа улар билан ҳамфикр тадқиқотчилар таърифи асос қилиб олинган.

Мазкур таърифларда геотизимларни ташкил этувчи поғоналар, улар ўртасидаги ва табиатнинг бошқа компонентлари билан ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу жиҳатдан, Ернинг ландшафт қобиғи кенглик-зонал ва баландлик-минтақавий геомлардан таркиб топишига изоҳ берилган.

“Ландшафт” термини Д.Л.Арманд тавсифига кўра (1975), “табиий ҳудудий ва акваториал комплекс синонимининг ўзидир”. Ландшафт ва геотизим тадқиқотда айнан бир хил тушунча сифатида талқин қилинади. Мана шунинг учун ҳам ландшафт қобиғининг ривожланиши сайёравий микёслардаги умумий (комплекс) табиий-географик жараён сифатида, ландшафт ҳосил қилувчилар эса, алоҳида табиий-географик жараён ва омиллар сифатида қабул қилинади. Булар қаторига иқлим, табиий ва кимёвий нураш, тупроқ ҳосил бўлиши, эрозия, дефляция, ёнбағирлар, оқар ва турғун сувларнинг ҳосил бўлиши ва ҳ.к.ни киритиш мумкин. Ушбу муҳим жараён ва омиллар қаторида ландшафт ҳосил бўлишида *Homo sapiens* фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Орол денгизи ва уни яқин вақтларгача сув билан тўйинтирган Амударё ва Сирдарё – Турон пасттектислигининг муҳим сув объектлари саналиб, Евросиё чўл геомининг минтақавий геотизими ҳисобланади. Тадқиқот майдонининг батафсилроқ таксономик схемаси 1.1-жадвалда келтирилади.

Мазкур схема биринчи бобда улкан геотизимлар ҳосил бўлиш даражасини изоҳласа, навбатдаги бобларда эса – кичик геотизимларни – уларнинг субординациясини ҳисобга олган ҳолда ажратиш учун асос сифатида келтирилади.

Янги эрада Орол денгизи дарёларнинг сув оқимида боғлиқ ҳолда, энг муҳими Амударё миграцияси туфайли бир қанча трансгрессия ва регрессияларни бошдан кечирди. XX асрнинг ўрталарига келиб, денгиз “шартли табиий режим” ҳолатида бўлди, деб айтиш мумкин. Тўғри, унинг ҳавзасида ўша вақтга келиб 4 млн. га ер суғорилар эди. Суғорма деҳқончиликни ривожланиши ўтган асрнинг 90-йилларига келиб тугатилди, бу вақтда ҳавзадаги суғориладиган ерлар майдони 8 млн. га ни ташкил этган. Нима бўлганда ҳам, ҳозирда, Орол ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш

вазифаси асосан Ўзбекистон зиммасига тушмоқда. Мана шунинг учун ҳам, зудлик билан, давом этаётган инқирознинг илмий изоҳларини оммалаштириш, унинг хоссаларини аниқлаш ва юзага келган вазият ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, салбий оқибатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаб олиш шарт.

1.1-жадвал

### Тадқиқ этилаётган ҳудуд ландшафтининг таксономик схемаси

Ландшафт ҳосил бўлишидаги етакчи омил	Ландшафт шаклланиши поғонаси	Геотизимларнинг характерли намуналари
Иқлим	Геом	Чўл
Геотекстура	Катта гуруҳ	Турон пасттекислиги
Морфоструктура	Гуруҳ	Акваториал, постаквал, дельта, қолдиқ, кумли-текислик
Структура ҳосил қилувчи компонент бўйича жойлашув (геотизим)	Кичик гуруҳ	(Катта) дарёнинг ўнг қирғоғи ва чап қирғоғи
Гипсометрик ўрни	Турлари	ботик, пасттекислик, платосимон, этаксимон, сувайирғич, жўяксимон, ғоваксимон
Ташқи қиёфаси (экспозиция ва ҳ.к.)	Тусланиши	Ўлка топонимикаси бўйича

Режалаштирилган изланиш-тадқиқот ишларининг услубий базаси орқали тизимли ёндашувни қабул қилишга муваффақ бўлинди. Бизнинг ҳолатда ўзига хос услубий жиҳатлар муаммони тасаввур этишнинг дедуктив тартиботи ва унинг асосида юзага келган шароитларга монанд ҳолда ечимларни белгилаб олишда ўз ифодасини топади.

Муаммонинг илмий аҳамияти Турон пасттекислигининг ҳудудий ва акваториал геотизимлари деструкцияси, деградацияси ва тикланиши ҳақида замонавий умумий тушунчани ишлаб чиқилишидадир. Кўрилаётган муаммонинг амалий аҳамияти эса аниқ ижтимоий-экологик йўналишга эга эканида. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, унинг иқтисодий аҳамияти ҳам мавжуд, сабаби технологик жиҳатдан эришилган ечимларни асослаб бериш уларни амалга ошириш харажатларини оқилона ташкил этишга ёрдам беради.


Диссертациянинг “**Дельта (даврий сув билан қопланган) геотизимлари деградацияси ва деструкциясини прогнозлаштириш хусусиятлари**” деб номланган иккинчи бобида деструкция омиллари ва аввал сув билан қопланган геотизимларнинг ҳозирги ҳолати, деградациянинг кечиш хусусиятлари ва уларнинг кўламлари кўриб чиқилган ҳамда ландшафт ареал ва деградация объекти сифатида тавсифланган.

Тадқиқот майдонинг жанубий қисмида, Тахиатош гидроузели кенгликларидан бошлаб собиқ Орол денгизи пляжларигача бўлган ҳудудда дельта, қолдиқ ва кумли-текислик ландшафтлари баҳоланган ва географик районлаштириш методларидан фойдаланилган (2.1-расм).

Дельта ландшафтларининг катта гуруҳини сувсиз водий ва суғориладиган геотизимлар, ёпиқ табиий ва сунъий сув ҳавзалари, оқар сув

ва ҳовузлар ташкил этади (2.1-расм). Ландшафтларнинг мазкур гуруҳлари ҳануз ҳаракатда бўлган Амударёнинг Чапқирғоқ ва Ўнқирғоқ кичик гуруҳларига ажратилган (2.1-расм).

Мазкур кичик гуруҳлар таркибида ландшафтларнинг ботик, пасттекислик ва платосимон турлари фарқланган, улар эса, қолдиқ ва қумли-текислик кичик гуруҳлари билан боғланиб кетиши аниқланган (2.1-расм).



Масштаб 1:500000

Шартли белгилар: Харитада рақамлар билан кўрсатилган – микрорайонлар: 1. Судочье; 2. Қоражар; 3. Междуречинск; 4. Майпост; 5. Ғарбий; 6. Мўйноқ-Қинқайир; 7. Оқдарё; 8. Кўхнадарё; 9. Причинков; 10. Шарқий; 11. Жануби-Ғарбий (Ажибай); 12. Марказий; 13. Шарқий (Жилтирбас); 14. Оқпеткин, 15. Эркиндарё.

№	Гуруҳлар	Кичик гуруҳлар	Турлари
1.	Акваториал	Ўнқирғоқ	Сув ҳавзалари
		Чап қирғоқ	Оқар сувлар
2.	Постаквал		
3.	Дельта	Ўнқирғоқ	Ботик
		Чап қирғоқ	Пасттекислик
4.	Қатлам		Сувайирғич
5.	Қолдиқ		
6.	Қумли-текислик		

## 2.1-расм. Амударё дельтасини ҳозирги чўллашиш ҳолати бўйича табиий-географик микрорайонлаштириш

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра (А.А.Рафиқов, 1977; И.В.Рубанов ва б., 1987; В.Е.Чуб, 2000 ва б.) “Амударё ҳозирги дельтаси” яқин тарихда, дарё Орол денгизига қуйилган вақтда мавжуд бўлиб, унда сув сатҳи баландлиги тахминан +53 м атрофида ўзгариб турган. Денгизга Амударё ва Сирдарё орқали ҳар йили ўртача  $53\div 56$  км<sup>3</sup> дарё суви келиб қуйилган. В.Л.Шульцнинг берган баҳосига кўра (1959), бевосита Амударёнинг ўзидан денгизга қуйиладиган сув миқдори йилига ўртача 38 км<sup>3</sup> га тенг эди. Бу замонавий дельтанинг энг чўққисига етган оқимининг чамаси 80 фоизини ташкил этади. Сув кўп йилларда дельтанинг тахминан 7000 км<sup>2</sup> ни қўл ва сувли ботиклар эгаллаган ва дельтадаги сув келтирган ётқизиклар

ҳар йили 100 млн. т га етган ва фақат 20 млн. тоннаси денгизгача етиб борган.

Дельта ландшафтлари трансформациясининг бош омили унинг гидрологик режимидаги ўзгаришлар ҳисобланади. Урушдан кейинги даврларда Амударё сув ресурсларининг жадал ўзлаштирилиши “ҳозирги” дельтага дарё суви етиб келишининг мунтазам равишда қисқариб боришига олиб келди. Шундай қилиб, 1960 йилдан 2009 йилгача дельтага дарё сувининг етиб келиши 31,5-26,8 дан 9,5-7,3 км<sup>3</sup>/йил камайиб, барқарор равишда қисқариб борди. Мана шу сабаблар арид иқлим шароитида Оролбўйи дельтаси доирасида маданий (бошқариладиган) ландшафтлар билан бир қаторда субмаданий (нотуғри бошқариладиган) ландшафтлар шакллана бошлади. Бу эса дельтага ирригация ва коллектор-дренаж тармоқлари билан узилиб турадиган мозаикасимон шакл берди (2.1-расм).

Маданий ландшафтлар ҳолатининг меъёрида бўлиши уларни сифатли бошқарилишига ва сув таъминоти қалтисликларига боғлиқдир, бу катта Амударё ҳавзаси бўйлаб амал қилиниши керак бўлган зарурий шартлардан.


Сувсиз водий ландшафтлари охир-оқибат каммаҳсул яйловларга, кум массивларига, маҳсулдор қатламлари бўлмаган тақир ва шўрхокларга айланиши муқаррар.

Юз берган ўзгаришларнинг асосий омиллари – аквагеотизим сифатидаги Амударё дарёсининг деградацияси ҳисобланади, бу эса изсиз йўқолган азим дарёнинг деструкцияси билан тугайди.

Агар Марказий Осиёда бундай ҳолатлар дастлаб кичик ва ўрта дарёларда (Зарафшон, Тарим, Мурғоб, Тажанг ва б.)да кузатилган бўлса, бизнинг давримизга келиб воқеликнинг бундай ривожининг минтақанинг энг йирик ва серсув дарёсига ҳам етиб келди.

Диссертациянинг **“Сувдан қуриган геотизимлар деструкцияси ва деградациясини прогнозлаштириш хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида геотизимлар ҳолатининг қарор топган ва яқин истиқболда кутилаётган деструкцияси ва деградацияси омиллари аниқланган. Орол денгизи тубининг қуриб бориши босқичма-босқич, дарё сувлари келиб қуйилиши ҳажмининг кескин камайиши ва буғланиш каби етакчи омилларга боғлиқ равишда кечиши аниқланган. Мана шу сабабдан қуриш босқичлари денгиз туби бошланғич изобаталари бўйича, асосан, космоиндикация усули ёрдамида олиб борилган. Денгиз 1961 йилдан 1976 йиллар давомида 0-5 м ли изобата чизиғидан пастга тушган, бу 53,3 ва 48,4 м ли мутлақ белгига мос келади ва у қуриш ҳудудининг энг юқори қисмидан иборат.

Бунда бўш ерлар очилиб қолди, дастлабки 1-2 йилда суви қуриб, туз қобиқ билан қопланган ҳудудлар кейинроқ литологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, кумлоқ, кумоқ-балчиқ, кумли-шўрхок асосли (5-6 ва 30-40 йиллардан сўнг) ва галофит-ксерофит ўсимлик қопламига ва тақир ўсимликлар бўлмаган чўл ландшафтига айланди (3.1-расм).



Харита легендаси: 1-маршлар (сувли ва қурук туб кетма-кетлиги). Сувдан турли вақтларда халос бўлган собиқ денгиз туби: 2- 1÷2 йил аввал – қуриган қуйи қатлам (ўсимлик қопламига эга бўлмаган балчиқли ялангликлар, қуриш давомида тузли қобиқ билан қопланган); 3- 5-6 ва 7-30 йил муқаддам – қуриган ўрта қатлам (чекка қисмлари туз билан қопланган намлик полосалари, дефляция жараёнига учраган ва дастлабки босқичдаги эол рельеф шакллари юзага келган); 4- 30-40 йил аввал – қуриган юқори қатлам (унда-бунда псаммофит-бутазорлар учраб турадиган қумлоқ-шўрхок чўллар, дефляция ва эол рельеф шакллари ривожланган шўрхоклар ва кўчиб юрвчи қумлар билан алмашилиб туради); 5- псаммофит-бутазорлар ва саксовул ўсимликлари билан қопланган гилли ва қумли чўллар; 6- ўтлоқ ва бутазорларга эга дельта текисликлари; 7- дарё дельталари ва денгиз қирғоқларидаги қамишзорлар; 8- шўрхоклар, қўллар, мавсумий сув ҳавзалари; 9- денгиз акваторияси.


### 3.1-расм. Оролбўйи ва Оролнинг табиий-худудий комплекслари карта-схемаси

5-10 м ли изобата чизиғидан денгиз 1977-1984 йилларда пастга тушган бўлиб, ўшанда сув сатҳи 43,0 м га тенг бўлган. Дастлаб денгиз чекинган ерларда шўрхоклар пайдо бўлган. Тузларнинг катта миқдорда йиғилишига қолдиқ денгиз сувлари ва юқори даражада минераллашган ер ости сувлари сабаб бўлган.

10-18 м чуқурликдан ёки 43 дан 35 м гача бўлган мутлақ белгилардан бошланган постаквал босқич 1985 йилдан 1994 йилгача давом этди. Мазкур қатламда ландшафт ҳосил бўлишида ер ости сувлари сатҳи ва тупроқ шўрланиши етакчи роль ўйнади. Агар денгиз бўйида бир йиллик шўралар ўсган бўлса, орқа қисмини шўрга чидамли бута ва ксерофит буталар қоплаган (3.2-расм).

5-10 ва 10-18 м ли изобаталарда қуриган денгизнинг ўрта қатлами жойлашган (3.1-расм). Қуйи қатламнинг қуриши (18-25 м ли изобата) 1995 йилдан бошланган (мутлақ бал. 35 м) ва 2008 йилгача давом этиб, 28,0 белгисига етган (3.1-расм). Ушбу постаквал босқич ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу босқичнинг аввалгиларидан фарқи денгиз сувининг юқори даражада шўрлангани билан фарқ қилади – 30÷40% дан 60÷75% гача. “Денгиз суви”

2000-2001 йилларда намақобга айланган. Бу ҳолат шўрхоқлар устувор бўлган ландшафт шаклланишида ҳам ўз ифодасини топади (3.1-расм). Умуман олганда, постаквал ландшафтлар учун маҳаллий омиллардан устун келганда мавсумий ритмика хос (3.2-расм). Улар қаторида атмосфера ёғинлари, дефляция, эрозия, ўсимликлар қоплами ва континентал иқлим устуворлигини санаб ўтиш мумкин.



a-16 апрель; b-18 май; c-10 июль; d-19 сентябрь

Харита легендаси: 1- маршлар (сувли ва қуриган майдонларнинг алмашилиб келиши). Собик денгиз тубидаги қумоқ-балчиқли ялангликлар ва қумли-шўрхоқ чўллар; 2- кучли намланган; 3- намланган; 4- қуриган; 5- чекка қисмларини тузли қатлам босган собиқ денгиз тубининг нам майдонлари; 6- собиқ денгиз тубида дефляцияга учраган тузларнинг тўпланиши ва туз гуллари. Асл қуруқлик майдонларидаги чўл ўсимликлари; 7- вегетацияланувчи (эфемер); 8- қуриган. Дельта текисликларининг чўл ўсимликлари; 9- вегетацияланувчи; 12- қуриган. Сув ҳавзалари; 13- очик сув ҳавзалари; 14- қамишзорлар. Шўрхоқлар; 15- нам; 16- қуруқ, туз билан қопланган.

### 3.2-расм. Табиий-ҳудудий комплексларнинг 2012 йилдаги мавсумий карта-схемаси

Постаквал ландшафтлар чўллашиш йўналиши бўйлаб ўз-ўзини бошқара бошлайди. Улар собиқ денгизнинг 55 минг км<sup>2</sup> майдонини эгаллаган. Бундай янги чўл геотизимга салбий таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг “**Қолдиқ сув ҳавзалари деградациясининг хусусиятлари**” деб номланган тўртинчи бобида сув ҳавзалари ва оқар сувларнинг сув баланси илк ҳолатини баҳолашдан бошланиб, уларнинг деградацияси ва деструкцияси кўриб чиқилган ҳамда яқин истиқболда кутилаётган ҳолатлари баҳоланган.

Ўзгидромет (Г.Е.Глазирин ва б., 1999; В.Е.Чуб, 2000; Ф.Э.Рубинова, 1985, 1987), Ўзбекистон ФА ва РФА Сув муаммолари институтлари (Г.В.Воропаев ва б., 1995; Н.Р.Хамраев, Л.З.Шерфединов, 1994 ва бошқ.) ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар томонидан берилган маълумотлар ва баҳолашларга асосланган ҳолда, Орол денгизининг дастлабки, унинг



ҳавзасидан иқтисодиёт учун кенг кўламларда фойдаланиш, ресурсларини ўзлаштириш бошланган даврдаги ҳолатига тавсиф берилган.

Мана шу маълумотларга кўра, денгизнинг морфометрик кўрсаткичлари: сув сатҳи белгиси – 53,4 м, ҳажми – 1108 км<sup>3</sup>, сув сатҳи майдони – 67,7 минг км<sup>2</sup>; ўртача чуқурлиги – 16,4 м, энг чуқур жойи – 69,4 м га тенг бўлган. 1900–1960 йиллар давомида сув ҳавзаси мана шундай квазистационар ҳолатда бўлган (В.Е.Чуб, 2000). Бу денгизга чучук дарё сувларининг келиб қуйилиши натижасида таъминланган.

1961 йилдан бошлаб денгизга дарё сувларининг келиб қуйилиши мунтазам равишда қисқариб борган. Ҳозирги кунда Амударёдан сув келиши умуман тўхтаган, Сирдарё эса Кичик денгизга йилига тахминан 3 км<sup>3</sup> сув келтиради. РФА География институти берган баҳолашларга кўра, денгизга келадиган оқим қисқаришининг 80% антропоген омилларга, қолган қисми эса дарёларнинг серсувлигига боғлиқдир. Денгиз сатҳининг пасайиши натижасида унинг майдони 1986 йилга келиб, чамаси 43 минг км<sup>2</sup> га, 2015 йилга келиб эса 8,9 минг км<sup>2</sup> га қисқарди, сув ҳажми эса мутаносиб равишда 432 минг км<sup>3</sup> ва 45 км<sup>3</sup> гача камайди. Денгиз шакли ҳам жиддий ўзгаришга учради, Оролнинг шарқий, жануби-шарқий ва жанубий худудларидаги саёз қўлтиқлар умуман йўқолиб кетди. Возрождение, Борсакелмас, Лазарев ороллари ва Мўйноқ ярим ороли ҳозирда қуриган денгиз туби билан яхлит географик объектни ташкил этади.

Денгиз сатҳининг жадал пасайиб бориши билан боғлиқ равишда, Орол денгизи гидрокимёвий режимини тадқиқ этиш бўйича бир қатор ишлар мавжуд. Сув шўрлигининг ностационар режими С.К.Ревина, А.Б.Заклинский (1966); Н.К.Елибаев (1970); А.Н.Косарев (1975); В.Н.Бортник (1987); Ф.Э.Рубинова (1987); Ф.Х.Хикматов (1988, 1990); М.А.Якубов (1996); Э.И.Чембарисов (1997); С.Р.Саидова ва б., (1998); В.Е.Чуб (2000) ва б. томонидан ўрганилган.

Орол денгизи сатҳининг жадал пасайиши бошларида (1971-1975) Кичик денгиз сувининг шўрлиги 12%они, Катта денгизда эса 12 дан 12,5%о гача ўзгариб турган. Унинг энг юқори кўрсаткичлари шарқий саёзликларда кузатилган.

1981-85 йилларда Катта денгиз сувининг шўрлиги 19,7-20,5%они ташкил этган бўлса, 2001-15 йилларга келиб унинг миқдори 68,5%ога етди.

Дарёлар сув оқими камаядиган ва сувларнинг конвектив аралашуви бошланадиган куз мавсумида вертикал шўрлик тақсимоти деярли бир хилда бўлиб қолади. Ҳавзанинг ғарбий қисмидаги сув шўрлигининг ўсиши денгизнинг қисқариб бориши билангина эмас, балки шарқий қисмидан боғловчи бўғозлар орқали кирадиган сувлар билан аралашиб кетишига ҳам боғлиқдир.

Юқори қатлам чегараси билан туб қатлам ўртасидаги шўрлик фарқи 2002-2003 йилларда галоклин қалинлиги чамаси 20 м бўлганида, 12 г/кг ни ташкил этган. Сув балансининг кўрсатишича, “денгиз” суви таркиби буғланиш натижасида эритманинг қуюқлашиши, чўкиш ва дарёларнинг ионли сув оқими натижасида шаклланиши аниқланган.

Кейинги даврларда келиб қуйиладиган сув оқимининг кескин камайиши натижасида Орол денгизига қуйиладиган умумий ионли оқим 1971-80 йиллар давомида йилига 12,5 млн. т гача камайиб борди. Сўнгра 1986-90 йилларда ионли оқим 1,79 млн. т ни ташкил этган бўлса, 2001-08 йилларда эса умуман бўлмади. Амударё сувининг минераллашуви сўнгги вақтларда (2001-08 й.ларда) 3671,8 мг/л, Сирдарёда – 2878,4 мг/л гача етди.

Орол денгизига келиб қуйиладиган дарё сувларининг кимёвий таркиби гидрокарбонат-кальцийлидан сульфат-натрийлигача ўзгариб борди, бу эса ўз навбатида, уларнинг тўғридан-тўғри метаморфизациялашувидан далолатдир.

Денгиз туз балансида тузларнинг атмосфера ёғинлари орқали келиши жуда ҳам озни ташкил этади ва денгиз суви шўрланишида аҳамият касб этмайди. Ҳозирги шароитларда Орол денгизига ер ости сувларининг қўшилиши йилига 0,1-0,3 км<sup>3</sup> ошмайди ва шунга мувофиқ ионли оқим ҳам жуда оз.

Эол жараёнлар ва денгиздан тузларнинг олиб кетилиши чўллашиш билан боғлиқ. Амалдаги баҳолашларга кўра, тузларнинг атмосфера чанглари билан қўшилиб келиши ва денгиз юзасидан тузларнинг шамолда учуриб кетилиши мувозанатлашмаган. Мазкур баҳоларга кўра, шамоллар йилига 0,1÷0,2 млн. т тузни учиради.

Амударё ва Сирдарё дарёлари сув оқимидан фойдаланишнинг тикланмас даражада минимал ва максимал ўсишини баҳолаш натижалари 4.1-жадвалда келтирилган бўлиб, бу рақамлар яқин ўн йиллар ичида Орол денгизи сатҳи пасайишда давом этишини кўрсатади.

Ҳозирда ва келгусида Орол денгизи шўрлигининг ўзгариши, биринчи навбатда, денгиз суви ҳажмининг камайиб бориши натижасида сувининг концентрациялашувига боғлиқ бўлади. Айни вақтда, ионли оқим ва туз балансининг бошқа таркибий қисмлари таъсири дарёлар сувининг қуйилиши ва денгиз майдонининг қисқариб боришига таъсири унчалар аҳамиятга эга эмас. Айни вақтда, дарёлар келтирадиган тузларнинг катта қисми (карбонатлар ва сульфатлар) дарё ва денгиз сувлари қўшилгандан сўнг чўка бошлайди, натижада эса денгиз суви мана шу тузларга янада тўйинади (4.1-жадвал).

4.1-жадвал

#### **Орол денгизи (Ғарбий қисми)нинг йиллар бўйича морфометрик ва гидрокимёвий тавсифларидаги ўзгаришлар прогнози**

Йиллар	Сув сатҳи мутлақ б., м	Сув сатҳи майдони, минг км <sup>2</sup>	Сув ҳажми, км <sup>3</sup>	Сувининг минераллашиш даражаси, г/л
Фойдаланишнинг минимал варианты				
2020	22,1	7,2	41,5	123
2025	17,5	4,2	27,0	137
2030	12,8	2,7	17,5	155
Фойдаланишнинг максимал варианты				
2020	21,0	6,6	36,9	125
2025	16,0	3,8	22,2	140
2030	11,3	1,35	12,7	160

Жадвал 2020 йилга келиб денгиз суви шўрлиги ўртача иқлим шароитларида 123-125%га етиши мумкин эканини кўрсатмоқда. Иқлим омиллари ҳисобига шўрликнинг ўртача миқдорлардан оғиши  $\pm 12,0-15,0\%$  атрофида бўлиши мумкин. 2030 йилга келиб денгиз шўрлиги 155-160%га етиши, ўртача миқдорлардан оғиш эса иқлим омиллари ўзгариши ҳисобига  $\pm 14,0-20,0\%$ ни ташкил этиши мумкин.

Денгиз сувининг шўрланиш даражасига кўра, туз таркиби метаморфизациялашуви юз беради, бу эса қийин эрийдиган тузлар муайян қисмининг чўкиши билан боғлиқ.

Биз берган тавсифларга кўра, фақат бу тузларнинг биргаликда чўкиши узоқ вақт давомида – яъни уларга мавсумий (йилнинг совуқ даврида) мирабилит чўкиши қўшилмагунга қадар юз беради. Бу вақтга келиб эса, ҳажми ва майдонига кўра кескин қисқарган Орол денгизи гидрокимёвий таркибига кўра, кўл суви NaClга хали унчалар тўйинмаган босқичдаги Қорабўғозкўлга яқин бўлиб қолади. Орол денгизининг шўр сувида тузларнинг чўкиши Қорабўғозкўлнинг қайд этилган босқичдаги тузларнинг чўкиш шароитларига мутаносиб схема бўйича юз беради: қишда шўрсувнинг совиши билан мирабилит ( $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ) ва Са тузлари чўка бошлайди; ёзда Са тузларининг давомли чўкиши билан бир қаторда мирабилит эритмага айланади, бироқ сув ҳавзасининг анча чуқурлиги ва сув массасининг секин қизиши билан боғлиқ равишда, барча чўккан мирабилит тўлиқ эрийди, дея олмаймиз. Қишда юз берадиган қаттиқ шамоллар мирабилитнинг маълум қисмини қирғоққа чиқариб ташлаши мумкин, бундай ҳолат Қорабўғозкўлда ҳам кузатилган эди.

Бунга қиёслаб хулоса қиладиган бўлсак, қирғоққа чиқариб ташланган мирабилит Оролнинг шўрсувидан чўккан умумий миқдорнинг жуда ҳам оз улушини ташкил этади.

Орол суви тузли концентрациясининг ўсиб бориши билан унинг NaClга тўйиниши ҳам ортиб боради. Мирабилитдан фарқли равишда, NaClнинг чўкиши мавсумий тавсифга эга бўлмайди, сабаби унинг эрувчанлиги сув ҳароратига унчалар ҳам боғлиқ эмас. Дастлабки босқичларда Орол тузли сувининг NaCl билан тўйиниши, қиш ойларида тўхташи ҳам мумкин, сабаби мирабилитнинг чўкиши оқибатида сувнинг умумий шўрлиги бирқадар пасаяди. Аммо, Орол денгизига дарё сувлари қуйилишининг тўлиқ тўхтатиши натижасида бу ҳолат узоқ йиллар давом этмайди. Шўрсув концентрациясининг ортиши билан NaCl аста-секин денгиз тубига чўккан сульфат тузларни қоплаб олади, бу эса уларнинг илиқ мавсумда эриш имкониятини дастлаб мураккаблаштиради, сўнгра эса умуман йўл бермайди.

Кўлнинг хлоридли намакобга айланиш жараёни, назаримизда, тез кечади, сабаби сульфатлар чўкиши Оролнинг сезиларли чуқурлигида бошланади, шунингдек, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, хаттоки иссиқ мавсумларда ҳам қуйи қатламлардаги сувнинг ҳарорати уларнинг тўлиқ эриши учун етарли бўлмайди. Бундай ҳодисалар унчалар чуқур бўлмаган Қорабўғозкўлда ҳам бир неча бор кузатилган; Қорабўғозкўл шўрсувида

Каспий сувига қараганда сульфат-ионининг нисатан камайиши айнан мана шу билан боғлиқ.

Оролнинг хлорид тузли кўлга айланиши билан фақат NaClнинг чўкиши кузатилади, барча чўккан тузларнинг умумий ҳажмида унинг улуши 99%ни ташкил этади; Ca тузлари фақат бир фоизни ташкил қилади. Охир-оқибат, намакоб кўл юзага келади, кўл тубининг юқори қавати деярли тўлиқ ош тузи билан, қуйи қисми – турли сульфатлар – мирабилит ( $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ), глауберит ( $\text{CaSO}_4 \cdot \text{Na}_2\text{SO}_4$ ), астраханит ( $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot \text{MgSO}_4 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ ) ва б. билан қопланади.

Тузли қатламнинг ўртача қалинлиги камида 2,5-3 м га тенг. Мана шу қатламнинг чамаси ярмини ош тузи ташкил этади. Россия Федерациясидаги бир қатор кўллар – Кулундин (Олтой ўлкаси), Босқунчоқ (Астрахон вил.), Эльтон (Волгоград вил.)даги кўп сонли кузатувлар галит қатлами жуда зич тузилмадан иборат бўлиб, шамол эрозиясига деярли таъсирчан эмаслигини кўрсатди. Шундай экан мазкур қатламни қимирлатиш, демакки, тузларни кўчиришнинг иложи йўқ.

Галитдан фарқли равишда, курук натрий сульфат ( $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ) – шамолда энгил учадиган кукун. Бироқ таърифланган шароитларда барча сульфат тузлари галитнинг зич қатлами билан шамол учиришидан ҳимояланган бўлади.

Диссертациянинг **“Дельта геотизимларини тикланиш кўламларини баҳолаш”** деб номланган бешинчи бобида суғорма деҳқончиликни юритиш истиқболлари баҳоланган, дельтанинг ҳудудий ва авкаториал геотизимларини тиклаш жиҳатлари кўриб чиқилган.

Амударё дельтаси ландшафтларининг антроподинамика сукцессияси уларнинг критик ҳолатини юзага келтирди. Бу хўжалик, асосан, суғорма деҳқончилик мақсадларида дарё сувидан ҳаддан зиёд фойдаланиш оқибатида дельтанинг гидрологик ва гидрохимёвий ўзгаришлари натижасидир, бу “Амударё ҳавзаси сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва муҳофаза қилиш схемалари”да (1984-1991 й.лар) ўз ифодасини топган.

Лойиҳа ҳужжатлари таҳлили “1984 йил схемаси”да йил давомида 90% таъминот ва Амударё оқимини тартибга солишнинг ирригацион режими мавжуд бўлганда, дельтанинг сув ресурслари лимити Тахиатош гидроузели створида йилига  $10,3 \div 14,4 \text{ км}^3$  қилиб белгиланганини кўрсатади. Бироқ бундай ҳажмдаги сувнинг дельтага келишини таъминлаб берувчи тартибга солувчи иншоотлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий сабаблар туфайли яратилмади. Айни вақтда, Вахш дарёсидаги сув омборларидан энергетик тартибда фойдаланила бошланди. Вахш бўйича новеgetацион оқизмалар тизимдаги тартибсизликлар туфайли Қорақум, Қарши ва Аму-Бухоро каналлари билан қўшилиб кетади ёки Қорақум каналидан “олтин аср кўли”га ва Қорақумнинг бошқа ботиқларига чиқариб ташланади.

Шундай қилиб, дельтага ҳар йили Амударёнинг  $3-5 \text{ км}^3$  суви етиб келмайди, 2000 йилга режалаштирилган йиллик  $6,2 \text{ км}^3$  “сибирь сувлари” ҳақидаку гапирмаса ҳам бўлади. Агар “шартли-табиий давр” билан таққослайдиган бўлсак, дельтага йилига чамаси  $38 \div 40 \text{ км}^3$  гача дарё суви

етиб келмайди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, сув денгизга қўйилиш билан бир қаторда, дельта юзидаги мавсумий-тикланадиган тузларни ҳам денгизга оқизади.

Мана шу барча ҳолатлар, яъни нафақат дарё этагидаги, балки, ўнг қирғоқ Амударё ўрта оқимидаги суғориладиган массивлар ва ҳудудий ландшафтларнинг шўрлашиш муаммоси ҳам ўта долзарбдир. Бу Амударёнинг минтақадаги табиий туз қочирувчи дренаж сифатидаги, Орол денгизининг эса минтақавий туз йиғиладиган жой сифатидаги фаолиятини тўхтатиши билан боғлиқ. Амударё ва денгизнинг мазкур вазифаларини тиклаш (Л.З.Шерфединов, 1993) суғориладиган массивлар ва минтақа ландшафтининг мелиоратив ва экологик фаровонлигининг зарурий шартни ҳисобланади.

Дельтада суғорма деҳончиликни юритиш технологияси ўз ечимини кутмоқда. Мана шу мақсадлар йўлида, фикримизча, қишлоқ хўжалигини бошоқли ва техника экинларининг сув кам талаб қиладиган навларини етиштиришга доир йўлдан ривожлантириш зарур. Шунингдек, уни гўшт-сут йўналишига ўтказишга ҳам эътибор қаратиш жоиз.

Коллектор-дренаж тармоғини қуриш ва тиклаш ҳудудий геотизимлардаги тузларни ювишга ёрдам беради. Шунингдек, бу ерларда фитомелиорацияни ривожлантириш лозим бўлади.

Амударё ўрта оқими ландшафтлари ва дельтаси шўрланишини кетказишда Ўнгқирғоқ коллекторининг (У.В.Абдуллаев ва б., 2007), қурилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у орқали Оролнинг қолдиқ ҳавзасига тузлар оқизилишини қайта тиклаш талаб этилади.

Мана шу коллекторга Жанубий Қорақалпоғистон ва Ўнг қирғоқ қўйи дельтаси коллекторларини улаш мақсадга мувофиқ бўлади. Баҳолашларга кўра, Амударёнинг ўрта ва қўйи оқимлари ўнг соҳилига, унинг собиқ Зарафшон ва Қашқадарё ирмоқларини ҳам ҳисобга олинса, йилига 10,5 млн. т эриган тузлар оқиб келади. Ҳозирда эса улар оқмас ҳавзалар ёки суғориладиган ерларнинг қуруқ дренажлари зонасида тўпланиб бормоқда, оқибатда ҳар қаерларда шўр кўллар ва шўрхоқлар юзага келиб, яйловлар деградациясига сабаб бўлмоқда. Яна шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ҳудудга оқиб келадиган ионли оқим унинг доирасида тўпланиб боради. Масалан, агар Амударёнинг ўрта қисмига йилига тахминан 42 млн. т ион оқими етиб келса ва унинг 36,4 млн. тоннаси магистрал каналларга тақсимланадиган бўлса, у ҳолда баҳолашларга кўра, Тахиатош створига йилига  $7,3 \div 9,5$  млн. т оқиб келади. Мана шунинг учун ҳам дельтадан тузнинг ювилиши унинг келишидан кам бўлиши мумкин эмас.

Бундай ҳолат айниқса акваториал геотизимлар учун кўпроқ хос, сабаби уларнинг муайян қисми оқмас режимда бўлиб, бу эса мазкур сув ҳавзаларини қуруқликка айлантирган ҳолда, тўлиқ деградациясига олиб келади.

Диссертациянинг **“Сувдан қуриган геотизимларни қайта тиклаш ва қолдиқ сув ҳавзаларини сақлаб қолишнинг эҳтимолий кўламларини баҳолаш”** деб номланган олтинчи бобида табиатдан фойдаланиш ва табиатни асраш режимини бошқариш тўғрисидаги тасаввурларга аниқлик ва

тузатишлар киритилган, қуриган геотизимларнинг дискомфортлик эҳтимолий даражаси баҳоланган, уларни қайта тиклашнинг мумкин бўладиган чегаралари белгилаб олинган.

Қуриган геотизимлар ўз-ўзидан ривожланиб бориш режимида бўлиб, денгиз чекинган сари уларнинг майдони ортиб бормоқда. Ўз ўзидан ривожланиш режими куёш радиациясининг эол (дефляция, кўчиш, учиш ва б.) жараёнларнинг интенсив таъсири остида кечмоқда, шунингдек ўсимликлар дунёсининг сукцессиялар билан шаклланиши орқали тавсифланган.

Постаквал ландшафтларнинг ташқи қиёфасини нураш ҳавзалари, шамол учириб ҳосил қилган тепаликлар ва кўчма кум барханлари, тақир ва шўрхоқлар кетма-кетлиги ташкил этади, улар орасида галофит ва ксерофитлар барқарор субстратларга эга кичикроқ ҳудудий геотизимларни эгаллаган.

Атмосфера ёғинлари ва атмосферанинг ер юзасига яқин қуйи қатламлари ҳамда тупроқнинг устки қатламларидаги намлик флора ва фауналар ҳаёт-фаолиятини сақлаб туради. Шундай қилиб, постаквал ландшафтларнинг ўз-ўзидан ривожланиши маҳаллий мақбул ва номақбул шарт-шароитлар туфайли амалга ошар экан. Бироқ улар, айниқса номақбул, катта туз захираларига эга шарт-шароитлар нафақат маҳаллий, балки кўшни ҳудудлар ландшафтига ҳам таъсир кўрсатади (Р.И.Раззоқов, 1997). Биринчи навбатда, мана шу зарарли омил суғориладиган майдонларга етиб боради ва Амударёнинг қуйи оқимларида (шунингдек, Сирдарё ва б.да) тўпланади, бу эса мазкур минтақалардаги ландшафтларнинг бузилиш даражасини оширади.

Ўтган йиллардаги лойиҳаолди ишланмаларида қайд этилганидек, мазкур салбий ҳолатни бартараф этиш усуллари – Сибирь дарёлари сувини буриб келтириш, Орол денгизи ҳавзаси сув ресурсларини йилига 20 км<sup>3</sup> гача миқдорда сарфлаш ва б. шу каби ёндашувларни амалга оширишнинг иложи йўқ. Мана шунинг учун ҳам, муаммони ҳал этишга реал технологияларга, тежамкорликка асосланган ҳолда ёндашиш талаб этилади. Шунга боғлиқ ҳолда, VI бобда бир қанча технологик усуллар таклиф этилган бўлиб, фитомелиорация шулар қаторидан ўрин олган. Уни бажариш технологияси ва тажрибаси тўпланган ва амалга ҳам оширилмоқда. Фитомелиорацияни ривожлантиришнинг бош объекти – бу туб денгиз қирғоғидаги кумли зона (0-5 м ли изобата). Эол қумликлар зонаси (5-6 км гача, шарқий қисмида 20 км ва ундан ҳам зиёд) ўсимликлар билан мустаҳкамлаш учун яроқли ҳисобланади.

